



## ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ

**БАЗАРОВА АМАЛЬ РУСТАМОВНА**

старший преподаватель кафедры криминалистических экспертиз  
Академии МВД Республики Узбекистан

***Аннотация:**Мақолада безорилик жиноятини содир этган шахси, унинг мақсад, мотивлари ҳамда жиноий хатти ҳаракатлари ёритилган. Мазкур жиноятни содир этилиши сабаб ва шарт-шароитлари ўрганилиб, таклиф ва тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар:** безорилик, мотив, мақсад, уриш-дўппослаш, шикаст етказиш, нобуд қилиш, бир гуруҳ шахслар.*

Дунёда жамоат тартибига, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноятларга қарши курашиш глобал аҳамият касб этмоқда. Шулардан, безорилик умумий жиноятчиликнинг 22% ни ташкил қилиб, ҳар йили 9% га ошиб бормоқда<sup>1</sup>. Халқаро ҳужжатларда, қонунда жиноят учун жавобгарликни тўғри белгилаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлатларнинг миллий қонунчилигини қайта кўриб чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагилар жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, безорилик учун жавобгарлик белгиланган жиноят кодекси нормаларини ўз ўрнида қўллаш, содир этилган қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ва адолатли жазо тайинланишини таъминлаш устувор вазифалар эканлигидан далолат беради.

---

<sup>1</sup> <https://www.statista.com>

Жаҳонда безори шахсининг криминалистик тавсифига оид биринчи маълумотлар М.А.Горановский томонидан ёзилган асарда мавжуд бўлиб, у безориликка қарши кураш муаммоларини ўрганиб, шундай деб таъкидлаган: **"Безорилик спектакллари: ёшга қараб - катталар ва вояга етмаганлар томонидан, таълим бўйича - қоронғу одамлар, жоҳил омма ва ақлли мухит одамлари томонидан амалга оширилади<sup>2</sup>**. Ўшандан бери фан безорилар шахсини ва биринчи навбатда, уларни ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганишда узоқ йўлни босиб ўтди.

Криминалистикада жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар криминалистик тавсифнинг элементи сифатида ҳуқуқбузарни қидириш ва фош этишнинг самарали усулларини аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган барча маълумотларни ҳамда у билан боғлиқ жиноят иши бўйича терговнинг бошқа вазифаларни ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради<sup>3</sup>.

Шу муносабат билан Н.А.Селиванов таъкидлайдики, «айрим турдаги жиноятчиларнинг шахсий хусусиятлари ва улар томонидан жабрланувчиларнинг айрим турларини, айниқса жиноят содир этилишининг характерли жойларини танлаш ўртасидаги доимий муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар жиноятларни очишда жуда қимматлидир».

Безорилик кўпинча маст ҳолда содир этилади. Алкогольнинг инсон танасига таъсири кучли бўлганлиги учун инсон одатий чеклов ва тўғрилигини йўқотади, тажовузкор, зиддиятли хатти-ҳаракатларга кўпроқ мойил бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари билан заҳарланиш ҳолатида бўлган шахслар жуда камдан-кам ҳолларда безорилик қилишади. Шу билан бирга, Р.Б.Булатов таъкидлайдики, бундай жиноятлар кўпинча гиёҳвандлик воситалари билан кўзғатилган эмоционал-ситуатсион хусусиятга эга бўлади<sup>4</sup>.

<sup>2</sup> Горановский М.А. Хулиганство и меры борьбы с нимъ. Гродна: Губернская типография, 9-10-б.

<sup>3</sup> Ермолович В.Ф. Указ. соч. С. 194; Овчаренко Е.И. Указ. соч. С. 53.

<sup>4</sup> Булатов Р.Б. Криминологическая и уголовно-правовая характеристики преступлений, совершенных в состоянии наркотического опьянения : Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 2005. С. 18.

Эътибор бериш лозимки, гиёҳвандлик ҳолатида бўлган шахслар томонидан содир этилган безорилик ҳаракатларининг жуда оз қисми гиёҳвандлар орасида безори излаш мақсадга мувофиқ эмаслигини умуман кўрсатмайди. Аксинча, бундай шахслар тажовузкор бўлиши ва айниқса гиёҳванд «очлик» давридан ўтаётганлар учун жуда хавфли бўлиши мумкин.

Агар безорилик бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, бу гуруҳлар, А.А.Кузнецов ёзганидек, шерикларнинг гуруҳ ичидаги алоқалари ва уларнинг жиноий фаолиятга муносабати хусусиятига кўра қуйидагиларга бўлиниши керак:

Тасодифий (вазиятли), уларнинг аъзолари дастлабки келишув билан боғланмаган; дастлаб улар, масалан, ўртоғини химоя қилиш мақсадида бир гуруҳга бирлашадилар, кейин эса уларнинг ҳаракатлари безориликка айланади.

Эпизодик, уларнинг аъзолари олдиндан келишиб, вақти-вақти билан жамоат тартибини бузади; гуруҳни ташкил этишнинг асоси унинг аъзоларининг дўстона муносабатларидир.

Ташкиллаштирилган, раҳбар бор, жиноятлар олдиндан режалаштирилади ва пухтароқ тайёрланади, жиноят қуроллари ва транспорт воситалари қидирилади, роллар тақсимланади<sup>5</sup>.

*Бизнинг фикримизга кўра, бу тасниф Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддасида мустаҳкамланган жиноий гуруҳларнинг турларига жуда яқин.*

Дастлабки тергов жараёнида безориларнинг бир ёки бир нечта ушлаб турилган аъзоларининг юқорида кўрсатилган гуруҳларнинг қайсинисига тегишли эканлигини аниқлаш ва исботлаш учун аниқ тактикани қўллаш имконини беради. Шундай қилиб, биринчи турдаги («вазиятли») гуруҳларнинг аъзолари ушланган тақдирда тузилган ҳаракатлар тўғрисида

---

<sup>5</sup> Кузнецов А.А. Особенности расследования группового хулиганства: Учеб, пособие. Омск: Юридический институт МВД России, 1998. - С. 12-13.

олдиндан келишиб олишмайди, бу уларни бир-биридан тезда ажратган ҳолда сақлаш ва тергов пайтида кўрсатувларида қарама-қаршиликлардан фойдаланишни назарда тутати. Аксинча, иккинчи ва учинчи турдаги гуруҳларнинг аъзолари кўпинча ушланган тақдирда ўз ҳаракатларини олдиндан мувофиқлаштирган бўлади.

Криминалистика амалиёти шуни кўрсатадики, безорилик гуруҳлари, коида тариқасида, қуйидагилар ҳисобга олинган ҳолда тузилади:

а) аъзоларининг битта ҳудуд (маҳаллада)да яшаши; б) умумий иш, ўқиш жойи; в) жамоа; г) қуролли кучларда биргаликда хизмат қилиш; д) ўтмишдаги жиноий алоқалар (илгари худди шундай жиноятларни содир этган, жазони бир хил озодликдан маҳрум қилиш муассасасида ўтаган); е) бирга вақт ўтказиш; ж) оилавий алоқалар.;

Бошқача қилиб айтганда: жиноятга шериклар, кўпинча безориларнинг яқин атрофидаги инсонлардир.

Безориликни содир этиш мотиви ушбу жиноятнинг энг муҳим элементларидан биридир. Шунинг учун ҳам барча жиноят ишларида, хусусан безорилик жиноятини тергов қилишда ҳам унинг мақсадлари ва мотивлари исботланиши керак бўлган ҳолатлар қаторига кирази (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси 1-қисми 4-банди).

В.В.Лунев ҳақли равишда **тергов ва суд хатоларининг деярли ярми жиноятнинг субъектив томонини нотўғри талқин қилиш билан боғлиқ**<sup>6</sup>эканлигини таъкидлаган. Бу ҳақида Б.С.Волков ҳам "Безорилик мотиви мазкур жиноят субъектив томонининг мажбурий элементи деб қаралмаслиги мумкин эмас. Безорилик мотивисиз безорилик ҳаракатлари бўлиши мумкин эмас."деб фикр билдирган.

---

<sup>6</sup> Лунев В.В.Субъективное вменение: Учеб, пособие. М.: Спарк, 2000. С. 4.

Безорилик мотивини бошқа шахсий мотивлардан нотўғри фарқлаш оқибатида, амалиётда уни ЖКнинг бошқа моддалари билан квалификация қилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Таъкидлаш жоизки, безорилик мотивини юзага келтирувчи сабаб шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар эмас, балки жамиятдаги одоб-ахлоқ нормаларини менсимасликдир.

Безорилик жиноятини содир этган шахсга адолатли жазо тайинлашда унинг қилмиши қандай омиллар таъсирида вужудга келганлигини аниқлаб олишимиз лозим. Бунинг учун биз безорилик мотивини бошқа жиноятлар мотивидан фарқлаб олишимиз зарур.

*Бизнинг фикримизга кўра, безорилик мотивини бошқа шахсий мотивлар орасидаги фарқни қуйидагича аниқлаш мумкин:*

Яққол ифодаланувчи фарқ шундан иборатки, шахсий мотив асосида содир этилган жиноятларда шахс жиноят содир этиш олдидан тайёрланиши, ўз ҳаракатларини ўйлаб, уни амалга ошириш механизмларини белгилаб олади. Унинг ҳаракатлари бирин-кетин, тизимлилик ва мантиқийлик асосида бажарилади;

Жамоат тартибини бузишга қаратилган безорилик мотиви эса адоват, мантиқсизлик ва бетартиблик характерига эга. Бундай ҳулқ-атвор кўпгина ҳолларда шахсий нафратланиш муносабатлари ёки жабрланувчининг ножоиз ҳаракатларига боғлиқ бўлмасдан, тўсатдан, ўз-ўзидан вужудга келади;

Шахсий мотивларда субъект ҳаракатлари, ҳисоб-китобга амал қилиши, ўйлаб чиқарилганлиги ва қисқа муддат давом этиши билан характерланади. У ҳамиша конкрет (аниқ) натижага эришишга интилади, ўз ҳаракатларини назорат қилиб боради ва ўзи ҳоҳлаган натижага эришгач, ҳаракатларни тўхтатади;

Безорилик мотивининг объектив томони бетартиб равишда содир этувчи, алоҳида-алоҳида, ўзаро бир-бири билан боғланмаган ва бир-биридан ажралиб турувчи ҳаракатлари билан характерланади. Зўравонлик бир ёки бир

неча объектга нисбатан йўналтирилган бўлиши мумкин. Безориликдан жабр кўрувчилар қаторидан унинг келиб чиқишига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тасодифий шахслар ҳам ўрин олиши мумкин;

Безорилик мотивининг объектив томондан ҳарактерловчи энг асосий меъзонлардан бири сифатида шахснинг ахлоқ-одоб қоидалари, анъаналарга, фуқаролар осойишталиги ва инсонлар шаънини менсимасликни жамиятга намойиш этишни хоҳлаш ва ниҳоят, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлашга қаратилган ҳаракатларни санаб ўтиш мумкин. Мазкур ҳаракатларнинг оқибатлари эса одатда, безорини унчалик қизиқтирмайди.

Безорилик ҳаракатларининг асосий мажбурий элементларидан бири - бу шахсда аниқ натижага эришиш учун мақсадга йўналтирилган хоҳишнинг мавжуд эмаслигидир<sup>7</sup>.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 9-сонли қарорининг 13-бандида қилмишни безорилик сифатида баҳолашда, айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлаш лозимлиги кўрсатилган.<sup>8</sup>

Безорилик жиноятининг субъектив томони ҳисобланган мотив тушунчасига бир қатор олимлар ўз изланишлари давомида турли таърифлар бериб ўтишган.

Безорилик мотиви, қоида тариқасида, қўпол бузғунчиликка ҳам, маст «жасурликка» ҳам, ўз кучини қўполлик билан кўрсатиш истаги ва бошқаларни масҳара қилиш истагига асосланган хулқ-атвор йиғиндиси (импульси)дан иборат. Н.А.Платошкин бу мотивларнинг асосий хусусияти улар келтириб

---

<sup>7</sup> А.Ж.Аметов. Безорилик мотиви ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқшунос. Тошкент-2012 йил. №2, Б-22-24.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.06.2002 йилдаги 9-сонли қарори.

чиқарадиган хулқ-атворнинг иррационаллиги (мантиксизлик, маъносизлик) эканлигини таъкидлайди<sup>9</sup>.

С.В.Бородиннинг қилмишни безорилик оқибатида содир этилган, деб топиш учун “айбдор шахсни бу жиноятнинг “ташаббускори” ёки “фаол тарафи” эканлиги муҳим эмас, балки бунда айбдорнинг жиноят содир этиш мотиви муҳимдир”<sup>10</sup> деган фикри асослидир.

Мақсадга келсак, бир қарашда безори ҳаракатлари маъносиздек туюлиши мумкин. Бироқ, унинг тушунчасига кўра, улар қатъий равишда «нишонланган». Безориларнинг мақсади – атрофидаги инсонларни кўпол зўравонлик билан ҳайратда қолдириш, уларда кўрқув туйғусини уйғотиш ва шу билан ҳеч бўлмаганда бир лаҳзага бўйсундиришдир.

Безорилик ҳаракатлари ғоявий, сиёсий, ирқий, миллий, диний нафрат ёки душманлик, шунингдек, қайсидир ижтимоий гуруҳга нисбатан нафрат ёки душманлик мотиви билан ҳам содир этилиши мумкин. Бу мотивлар мустақил бўлиши ҳам, шунингдек, безорилик мотивининг пайдо бўлиши учун ҳам асос бўлиши мумкин. Бу бўйича А.А.Мейтин футбол ишқибозлари содир этадиган жиноят тўғрисида гапирар экан, безорилик ниятлари асосида турли команда ва клубларнинг ишқибозлари орасида адоват юзага чиқариши мумкинлигини таъкидлайди<sup>11</sup>. Мазкур ўрганишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмига безорилик "сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний нафрат ёки адоват, ёки ҳар қандай ижтимоий гуруҳга нисбатан нафрат ёки адоват замирида содир этиш" деб номланган алоҳида бандни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

*Кўпинча безорилик мотиви қуйидаги шаклларда намоён бўлади:*

<sup>9</sup> Платошкин Н. А. Уголовно-правовое значение хулиганских мотивов: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. М., 2007. С. 7.

<sup>10</sup> *Бородин С.В.* Преступления против жизни - М.: Юристъ, 2000. – С. 149.

<sup>11</sup> А.А.Мейтин. Криминологическая характеристика преступлений, совершаемых футбольными болельщиками: Автореферат дис. канд. Юрид.Наук. Ростов-на-Дону. 2004. Б 8

а) ҳуқуқбузар жабрланувчига қандайдир ўта оғир талаблар қўяди ва ҳар қандай йўл билан уларни амалга оширишни хоҳлайди (масалан, безори мева сотувчидан унга алкоғолли газак учун колбаса беришни сўради ёки кўчада умуман сигарет чекмайдиган кишидан сигарет беришни талаб қилади ва х.к.);

б) безори жабрланувчининг талабига бўйсунмайди, “ёмонлик учун” ҳаракат қилади (тор йўлакдан ўтказмайди, кийимидан ушлаб туради ва ҳоказо);

в) ҳуқуқбузар жабрланувчига қандайдир номақбул хатти-ҳаракат қилгани учун сабоқ бериш мақсадида унга нисбатан зўравонлик қўлласа (жабрланувчи жамоат транспортида кекса одамга йўл бермаган; йўлда бировни ўтказиб юбормаган ва ҳоказо);

г) безори «жасорат билан» ҳаракат қилади, жиноят содир этишда кимгадир «ожиз эмаслигини» исботламоқчи бўлади;

д) айбдор низоли вазиятга тушиб қолган шахсга бундай ёрдам зарур бўлмаганда мажбуран ёрдам берган бўлса; нотаниш ёки тўлиқ нотаниш шахсга ёрдам кўрсатади ва бундай ёрдамнинг оқилона доирасидан ошиб кетади;

е) безори ташқи кўринишда ҳеч қандай сабабсиз (сабабсиз) шахсга зарар етказса, мол-мулкка шикаст етказса ёки нобуд қилса;

ж) шахс аҳамиятсиз сабабга кўра тажовузкор ҳаракатлар қилади (масалан, улар дўконда товарлар сотмаган - у пичоқни ушлаб, зўравонлик билан таҳдид қила бошлаган);

з) безори мақсадга аниқ ноадекват зўравонлик йўли билан эришади.

Безорилик жиноятининг субъектив томони ҳисобланган мотив тушунчасига яна бир қатор олимлар ўз изланишлари давомида турли таърифлар беришган.

В.И.Борисов ва В.Н.Кутслар "Безорилик мотивига айбдор ўзини, ўз хулқини жамоатчилик тартибига ва жамоатчилик муносабатларига қарши қўйиш, атрофдагиларга нисбатан ўзини баланд тутиш, жоҳиллик,



баджаҳиллик, жанжалкашлик, ўзини кучини кўполлик билан кўрсатиш ва беъманиларча мардлик сифатларини намаён этишга интилишидир”<sup>12</sup> деб таъриф беришади.

А.И.Коробеев “Безорилик мотиви айбдорнинг ўтакетган манманлигини намоён қилиши, жамиятдаги мавжуд ахлоқий ва қонуний таъқиқларга нисбатан мурасасизлиги, манманлигини ифодалаш, ўзининг агрессив ҳаракатлари билан инсон қадрини пастга уришга интилиши”<sup>13</sup> эканлигини таъкидлаган.

Л.А.Андреевнинг ёзишича, безорилик мотиви инсон қадр-қимматини ҳурмат қилмаслик, бошқаларнинг манфаатларига эътиборсиз муносабатда бўлиш, жамоат тартибини бузувчи ҳаракатлар орқали ўзини кўрсатишга интилишда ифодаланувчи худбинлик билан боғлиқдир<sup>14</sup>.

А.В.Глуздаков безорилик, безорилик ҳаракатлари ва безорилик мотиви ўртасидаги фарқни ажратиш қийин<sup>15</sup> деб ҳисоблайди. А.В.Рагулиннинг фикрича “Безорилик - шахсни жамиятга нисбатан ҳурматсизлигини ифодалашга интилишида намоён бўлувчи ва жамоат тинчлигини, нормал меҳнат қилиш шароитлари, фуқароларнинг дам олиши, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг нормал ишлашини таъминловчи умум эътироф этган нормаларга эътиборсизлигини ифодаловчи мотивлардир”<sup>16</sup>.

Юқоридаги таърифларга қўшимча равишда А.Н.Попов қуйидагича фикр билдириб ўтган: “Безорилик мотивини айбдор шахс жабрланувчини сабабсиз

---

<sup>12</sup> Борисов.В.И. В.Н.Кутс. Преступления против жизни и здоровья: вопрос квалификации. Харьков., 1995.с.12.

<sup>13</sup> Российское уголовное право. Курс лекций / Под ред. А.И. Коробеева. Т. III. Владивосток, 2000. С. 115.

<sup>14</sup> Андреева И.А. Квалификация убийств, совершенных при отягчающих обстоятельствах. СПб.Юридический центр Пресс 1998. – С. 32.

<sup>15</sup> Глуздаков А.В. Криминологическое исследование хулиганства и преступлений, совершенных из хулиганских побуждений. Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2004. С. 31

<sup>16</sup> Рагулин А.В. Хулиганство: уголовно-правовые аспекты. Дис...канд. юрид. наук. Челябинск, 2005. С. 12.

ёки арзимаган боҳона билан жазолаши, таъзирини беришга ҳаракат қиладиган шахсининг худбинлиги ва тажовузкорлиги деб таърифлаш мумкин”<sup>17</sup>

Ю.И.Ляпунов томонидан безорилик мотивига берилган таъриф эътиборга лойиқдир. Унинг фикрича “Безорилик мотивини айбдорнинг жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормалари, атрофдагиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига нисбатан ҳурматсизлигини намоёиш қилишга бўлган интилиши сифатида таърифланиши тўғри бўлади”<sup>18</sup>. С.В.Борисов ҳам ушбу фикрни маъқуллаб, унга барча томонидан тан олинган ахлоқ нормалари деган жумлани киритиб, ундан шахсни жамиятда ўрнатилган қоидаларни ўзгаларнинг кўз ўнгида бузиш белгисини чиқаришни таклиф этган. Унинг фикрича, безорилик мотивига бундай таъриф берилиши мазкур жиноят фақатгина жамоат жойларида содир этилиши мумкин, деган нотўғри хулосага сабаб бўлиши мумкин<sup>19</sup> деган фикр билдирган.

*Бизнинг фикримизга кўра, безорилик мотивига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Безорилик** - жамиятда ўрнатилган ва умум томонидан тан олинган одоб-ахлоқ қоидаларини очиқчасига, арзимаган сабаб орқали намоёиш қилиш, жамият аъзоларининг нормал фаолият юритиши, ҳаракатланиши, дам олиши ва бошқа ҳуқуқларининг бузилиши ҳамда атрофдагиларга ўзини кўрсатиш орқали кўрқув ҳиссини уйғотишдан лаззатланишидир.*

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, безори шахсининг характери, унинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш жиноятларни тез ва осон очишда ҳамда унинг жиноятни содир этишдаги мотив ва мақсадларини тўғри аниқлаш уни тергов қилиш самарадорлигини таъминлаш билан биргаликда айбдор шахсларнинг қилмишида алолатли жазо тайинлашни таъминлашга хизмат қилади.

<sup>17</sup> Попов.А.Н. Убийства приотягчающих обстоятельствах. СПб: Юридический центр Пресс. 2003.Б.862.

<sup>18</sup> Ляпунов Ю.И.Соотношение хулиганства и преступлений против личности // Социалистическая законность. 1980, -№9. – С. 45.

<sup>19</sup> Борисов С.В. Понятие хулиганства // Вестник Барнаульского юридического института МВД России, 2005.-№9.– С.17-19.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрдаги 2012-ХП-сон Фармони. «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 йил.
2. Горановский М.А. Хулиганство и меры борьбы с ним. Гродна: Губернская типография.
3. Ермолович В.Ф. Указ. соч. С. 194; Овчаренко Е.И. Указ. соч. С. 53.
4. Булатов Р.Б. Криминологическая и уголовно-правовая характеристики преступлений, совершенных в состоянии наркотического опьянения : Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 2005.
5. Кузнецов А.А. Особенности расследования группового хулиганства: Учеб, пособие. Омск: Юридический институт МВД России, 1998.
6. Лунев В.В. Субъективное вменение: Учеб, пособие. М.: Спарк, 2000.
7. А.Ж.Аметов. Безорилик мотиви ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқшунос. Тошкент-2012 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.06.2002 йилдаги 9-сонли қарори.
9. Платошкин Н. А. Уголовно-правовое значение хулиганских мотивов: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. М., 2007.
10. **Бородин СВ. Преступления против жизни - М.: Юристъ, 2000.**
11. А.А.Мейтин. Криминологическая характеристика преступлений, совершаемых футбольными болельщиками: Автореферат дис. канд. Юрид.Наук. Ростов-на-Дону. 2004.
12. Борисов.В.И. В.Н.Кутс. Преступления против жизни и здоровья: вопрос квалификации. Харьков., 1995.
13. Российское уголовное право. Курс лекций / Под ред. А.И. Коробеева. Т. III. Владивосток, 2000.
14. Андреева И.А. Квалификация убийств, совершенных при

отягчающих обстоятельствах. СПб.Юридический центр Пресс 1998.

15. Глуздаков А.В. Криминологическое исследование хулиганства и преступлений, совершенных из хулиганских побуждений. Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2004.

16. Рагулин А.В. Хулиганство: уголовно-правовые аспекты. Дис...канд. юрид. наук. Челябинск, 2005.

17. Попов.А.Н. Убийства при отягчающих обстоятельствах. СПб: Юридический центр Пресс. 2003.

18. *Ляпунов Ю.И.* Соотношение хулиганства и преступлений против личности // Социалистическая законность. 1980.

19. Борисов С.В. Понятие хулиганства // Вестник Барнаульского юридического института МВД России, 2005.